



IJTIMOIY-HUQUQIY
GAZETA

Vatanni sevmog iymondandir

MUQADDAS BURCH

21-22 (172)-сон
2023 йил 24 ноябрь

"MUQADDAS BURCH" gazetasi

www.muqaddasburch.uz

muqaddasburch@mail.ru

ЖУРНАЛИСТЛАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШДИ



Навоий шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилоят бўлими ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамкорлигида ОАВ вакиллари, журналист ва блогерларни Навоий шаҳар саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан таништириш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.

4-саҳифада

ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ УСТУВОР ЎНАЛИШЛАРИ



Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам tub ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган шифобағис тиббий ёрдам сифатини ошириш, тиббий профилактика, патронаж ёрдамларини янада яхшилаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан тизимда босқичма-босқич янги ислоҳотлар олиб борилмоқда.

5-саҳифада

“Адлия аёли” танлови бу йил мамлакатимизда иккинчи марта ўтказилди. Танловда адлия органлари ва муассасаларида фаолият юритиб келаётган 21 нафар аёл иштирок этди. Кўрик-танловда иштирокчилар 5 та шарт бўйича икки кун давомида беллашдилар.

ДИЛДОРА РУСТАМОВА “АДЛИЯ АЁЛИ” ТАНЛОВИ СОВРИНДОРИ!



Танлов якунида ҳар бир шартда ўз истеъдоди, ташаббускорлигини намойён этиб, энг яхши натижаларни қайд этган қорақалпоғистонлик Салтанат Раимбекова, жиззахлик Махлиё Абдуназарова ҳамда навоийлик Дилдора Рустамовалар фахрли 1-3 ўринларни қўлга киритишди.

Ўз мухбиримиз.

КОНЧИЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ИЖТИМОИЙ ИМКОНИЯТЛАР



“НКМК жамгармаси” давлат муассасаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилоят бўлими ҳамкорлигида “Фарҳод” маданият саройи матбуот марказида “Навоий кон-металлургия комбинати жамгармаси” давлат муассасаси – сифатли ижтимоий ҳимоя кафолати” мавзусида матбуот анжумани ва пресс-тур бўлиб ўтди.

5-саҳифада



ОЙЛИК УЮШҚОҚЛИК БИЛАН БОШЛАНДИ

Шу йилнинг 15 ноябрь кунидан – 15 декабрь кунларига қадар республикаимизда “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” деб белгиланди. Шу муносабат билан, соҳа ходимлари томонидан муҳофазатга олинган объектларда ёнгин ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ишчи-хизматчиларни доимий равишда огоҳ этиш, тарғибот-тушунтириш ишларини кенг миқёсда ўтказиш соҳа вакиллари томонидан тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмасида ойликни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни белгилаб олиш бора-сида корхонанинг барча раҳбар ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Шундан сўнг, корхона ҳудудида ишчи-ҳодимлар ва соҳанинг масъул мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда, ишчи-ҳодимларнинг ис газидан заҳарланишининг олдини олиш ва республикаимиз ҳудудларида содир бўлаётган фавқулодда ҳолатлар ва уларнинг аянчи оқибатлари мавзусида амалий тадбирлар ўтказилди. Уларда асосан, мамлакатимиз ҳудудларида кўпинча аҳоли томонидан яшаш хонадонларида ва ташкилотларда оддийгина хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаётганлиги салбий оқибатларга олиб келаётганлиги тушунтирилди. Шу билан бирга, корхонада бирламчи ёнгин ўчиргичларнинг созлигига, фавқулодда ҳолат содир бўлганда ни-



маларга эътибор бериш кераклиги ва қай тартибда ҳаракат қилишлари бўйича иштирокчиларга тушунчалар берилди.



Тадбир сўнгида ёнгин ўчириш техникаларининг кўргазмалари намойиши ташкил этилди, иштирокчиларга ўзида ёнгин ва ис газидан огоҳ этишни акс эттирувчи эспатма ва флайерлар тарқатилди.

Фирдавс МУҲАММАДОВ,
НСМ ва ЖКБ инспектори, майор.
Матъуфжон ХАЙИТОВ,
“НКМК” ва “Навоийурон” ДК ЁХТТЭМ
групп бошлиғи, катта сержант.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги 754-сонли қарорига асосан ҳар ҳафтанинг чоршанба кўни “Навоийазот” АЖга қарашли цех ва участкаларда “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнгинлар профилактикаси кўни” эътиб белгиланган.

ДОИМИЙ ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР



Шу муносабат билан корхонада доимий равишда ишчи-хизматчилар билан семинар ва мавзули ўқув машғулоти ўтказилиб, уларга тарғибот материаллари тарқатилган ҳолда, зарур тавсиялар берилиб келинмоқда. Ишчи-хизматчиларга ёнгин чиққан ҳолатларда, уй шароитида ва ишхонада, кундалик ҳаётда беҳосдан содир бўладиган фавқулодда вазиятларда қандай йўл тутиш зарурлиги ҳақида ҳаётий мисоллар асосида тушунчалар бериб келинмоқда.

Ёқуб СУЛТОНОВ,
“Навоийазот” АЖ ОЙХТТЭБ
П ва НБ катта инспектори, капитан.

ЁНГИННИ ЎЧИРИШ АМАЛИЙ-ТАКТИК МАШҚИ

Республикаимиз ҳудудида об-ҳавонинг кескин совуви кетиши натижа-сида табиийки, иссиқликка бўлган эҳтиёжининг ортиши, юртдошларимизнинг табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланишдаги безътиборликлари оқибатида ёнгинлар келиб чиқади. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида “Навоийазот” АЖга қарашли объектларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларни тезкорлик билан бартараф этиш муҳим аҳамиятга эгалиги соҳа ходимларига яхши маълум.



Шахсий таркибни жисмоний ва жанговар шайлиги ҳамда бошқа хизматлар билан ҳамкорликда содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларни бартараф этишдаги ҳаракатларини ўрганиш мақсадида корхонага қарашли Органик синтез ва нитрон толаси ишлаб чиқариш цехида фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ҳарбийлаштирилган газ кўтқарув хизмати, маскан техника хавфсизлиги хизмати ходимлари, тез тиббий ёрдам ҳамда қўриқлаш бўлими ходимлари иштирокида ёнгин хавфсизлиги бўлими куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда ёнгин ўчириш амалий-тактик машқи ўтказилди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ва вазифалар навбатчи смена бошлиқларининг ёнгин жойидаги тезкор вазиятни аниқлаш, ҳал қилувчи йўналишни тўғри танлаш, кўтқариш ишларини ва ёнгин ўчиришни ташкил қилиш, юқори қаққурув бўйича жалб қилинган куч ва воситалар ҳаракатларини ёнгин ўчириш штаби ходимлари етиб келгунга қадар бошқариш, жанговар участкаларини белгилаш ва шахсий таркиб билим савияси ҳамда касб маҳоратлари, ёнгин ўчирувчиларнинг касбий хизмат ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишдан иборат бўлди.

Ёнгин ўчириш амалий-тактик машқи давомида шахсий таркиб бошқа хизматлар билан ҳамкорликда ишлаб, олдиларига қўйилган вазифаларни тўлиқ бажаришди. Машқ давомида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан соҳа хизмати бошлиқлари томонидан муҳофазатлар олиб борилди.

Фазлиддин ХОЛИҚОВ,
“Навоийазот” АЖ ОЙХТТЭБ
П ва НБ катта инспектори, капитан.

Иссиқлик таъминоти объектлари ва ускуналарини ҳамда турар-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига пухта қилиб тайёрлаш ишлари бошланди. Тўғри-да, ҳадемай совуқ, қиш-қировли кунлар бошланса хонадонлар ва таълим муассасаларида иситиш тизимлари ишга туширилади, иссиқлик таъминоти ва ускуналар катта бошим билан ишлашига тўғри келади. Агар мазкур тизимларда бирор муаммо ва камчилик бўлса, бу муаммолар ортидан яна бошқа кўплаб муаммолар, ташвишли ҳолатлар юзага келиши турган гап.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛИШИ ЗАРУР

Бу борада ҳаётимизда кўплаб воқеаларни кўрганмиз, эшитганмиз. Кўни-кўш-ниларимизнинг уйларида ёҳуд ижтимоий соҳа объектларида иссиқлик тизими билан боғлиқ турли авариялар, қопаверса, кўп қаватли уйлarning том қисмларидан чакка ўтиш ҳолатлари ҳаммамизга таниш. Ёзда мўриконларимизга кушлар уя қуриши одатий ҳолга айланиб қолган. Шундай экан, мавсум бошланишидан аввал ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, мўриконларининг мавсумолди тозаллигига эътибор бериш лозим. Бундай муаммоларга дуч келмаслик учун айни кунларда пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади.

Бир сўз билан айтганда, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ҳозир, иссиқ кунларда амалга ошириш лозим. “Қиш ғамини ёзда е”, деганларидек, айни



пайтдаги пухта ҳозирлик, режалаштирилган ишларни мукамал тарзда, маромига етказиб амалга ошириш қишининг совуқ кунларида хотиржам, турли кўнгилсизликлардан, ташвишлардан холи яшашимизга асос бўлади.

Ахбор СИДДИҚОВ,
Кармана туман ФВБ П ва НБ
инспектори, капитан.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Навбахор туман фавқулодда вазиятлар бўлими ташаббуси билан Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 15-МТТда, Фавқулодда вазиятлар болалар нигоҳида мавзусида семинар ташкил этилди.

Тадбирда ҳамкор ташкилотлар ҳамда туман Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи, подполковник Ҳ. Матякубов бошчилигида ҳарбий хизматчилар, тарбияланувчилар ва ота-оналар иштирок этишди.

Семинарда фавқулодда вазиятларни



келтириб чиқариш эҳтимолини оширувчи воситалар турисидagi саҳна кўриниши МТТ тарбияланувчилари ижросида намойиш этилди. Аҳоли ўртасида юзага келиши

мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этишда ишлатиладиган куч ва воситалар тўғрисида кўникма, малакалар шакллантирилди.

Элмурод МАМАСАЙДОВ,
Навбахор туман ФВБ тезкор
бўлинма бошлиғи, капитан.



СУДЛАРНИНГ АЙЁР ҚАБУЛЛАРИ



Жорий йилнинг 13-15 ноябрь кунлари вилоятимизда судлар томонидан сайёр қабуллар ўтказилиб, уларда 66 нафар фуқаро қабул қилинди. Қабул қилинганларнинг 23 нафари жиноят ишлари, 32 нафари фуқаролик ишлари, 4 нафари иқтисодий ишлар ҳамда 7 нафари маъмурий судларга оид масалаларда мурожаат қилишди. Уларнинг 5 тасини ёзма, 61 тасини оғзаки мурожаатлар ташкил қилди. Мурожаатлар муаллифларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Жиноят судлари томонидан қабул давомида 28 нафар шахс суд ҳукми билан тайинланган жазодан муддатидан аввал шартли озод қилинди, 11 нафар шахсга нисбатан тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилди, 80 нафар маҳкумнинг жазони ўташ тартиби енгилроғига ўзгартирилди. Шунингдек, 2 та жиноят иши ЖК 661-моддаси тартибидида, 1 та маъмурий ҳуқуқбузарликка

оид иш МЖТК 212-моддаси тартибидида тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилди. 7 нафар шахсга нисбатан қўлланилган табиий йўсиндаги мажбурият чоралари бекор қилинди.

Фуқаролик судлари томонидан 3 нафар фуқаронинг юридик фактни белгилашга оид даъво аризаси қаноатлантирилиб, 9 та алимент ундириш бўйича ариза юзасидан вояга етмаган фуқароларнинг таъминоти мустаҳкамланди. 6 нафар фуқаронинг қатъий сўммадаги таъминотини ундириш тўғрисидаги талаблари қаноатлантири-



либ, бола тарбияси билан банд бўлган оналарнинг таъминоти кафолатланди.

9 нафар фуқаронинг имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқлари тикланиб, шаҳодатлаш қўригидан ўтмаган иш даврларини тиклаш бўйича аризалари қаноатлантирилди. 2 нафар фуқарога иш жойидан тўланмаган иш ҳақларини ундириш юзасидан суд қарорлари қабул қилинди. Қабул давомида 1 та оила яраштирилди, 1 та алимент ундиришга оид даъво аризаси тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан қўрмасдан қолдирилди. Иқтисодий судлар томонидан қўрилган ишлар бўйича тadbirkorлар фойдасига жами 201 856 548 сўм пул маблағлари ундирилди.

Бундан ташқари, 34 нафар жазони ўтаб турган маҳкумлар томонидан Ўзбекистон Президенти номига ташаккурнома билдирилди.

Азиза РЎЗИЕВА,
Наввий вилоят суди жамоатчилик ва
ОАВ билан алоқалар бўлими бош
консультанти.

СУДЛАРДА ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШДАГИ ТАРТИБИ

Оила кодексининг 80-моддасига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибидида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан қўрилади.



- муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;

- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Алимент тўлашдан бош тортганда бу факт суднинг ҳукми билан тасдиқланиши шарт эмас. Алимент тўлаш, ўз болаларини моддий таъминлашда доимий равишда қочишга уринганлигига ишонч ҳосил қилишнинг ўзи кифойдир. Узрсиз сабабларга кўра боласини туғруқхонадан ва бошқа болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаларидан олишдан бош тортганлик туғруқхона ва болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаси комиссиялари томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Ота-онанинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганликлари уларнинг болалари маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёргарлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмаганлигига намоён бўлади. Болалар билан шафқатсиз муомалада бўлиш жисмоний ва руҳий қийнашда, тарбиялашнинг йўл қўйиб бўлмайдиган усулларини қўллашда, болаларнинг исқоний ғурурларини камситишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин. Агар болаларга нисбатан ота-она эмас, балки оила аъзолари шафқатсиз муомалада бўлсалар, боланинг ота ва онаси бунга қаршилиқ қилмасалар, бундай ота-оналарнинг ота-оналик ҳуқуқлари Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ чеклаши мумкин.

Ота-онанинг сурункали ичкиликбозликка ёки гиёҳвандлик касалигига учраганлиги тегишли тиббий хулосаси билан тасдиқланган бўлиши керак. Бундай асос билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарни муомалага лаёқати чекланган деб топилганлигидан қатъий назар амалга оширилиши мумкин.

Боланинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота-она томонидан қасддан жиноят содир қилиш ўта оғир ва жамоат учун хавфли ҳисобланади. Бундай асосларга кўра ота (она)ни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга фақат суднинг ҳукми бўлгандагина йўл қўйиладди. Болани ота (она)сининг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота (она)си томонидан қасддан жиноят содир қилганлиги асосига кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни қўришда бола жиноят объекти унинг ота (она)си бўлган ҳолларда зарар қўришини ҳисобга олишлари лозим. Бундай асосларга кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳам айбдорга нисбатан суднинг ҳукми бўлиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг нусхаси суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органига ва боланинг туғилганлиги қайд этилган фуқаролик ҳолати даволатномаларини ёзиш органига юборилиши лозим. Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани болаларини таъминлаш мажбуриятидан озод қилмайди, хусусан алимент тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Қонунчилигимизга кўра, ота-она (улардан бири) ўз ҳулқ-атвори, тур-

муш тарзини ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин. Ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро суди томонидан 2021 йил давомида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида 10 та фуқаролик иши қўрилган бўлиб, шундан 8 та даъво аризалар қаноатлантирилган.

Хусусан, даъвогар Э.Д. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Х.Ф.ни бир нафар фарзандига нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган. Фуқаролик ишини қўриш жараёнида Х.Ф.нинг фарзанди таъминоти учун 8 880 494 сўм алимент қарздорлиги мавжудлиги, муқаддам суднинг қарорига асосан алимент тўламаганлиги учун Ўз. Рес. МЖТКнинг 47-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилди, 15 сўлга маъмурий қамоқ жазосига тайинлангани ҳамда суднинг ҳукмига кўра ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилди, 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлангани аниқланган. Шунингдек, жавобгар Х.Ф. 16.11.2015 йилдан буён "Сурункали алкоғолизм 2-босқич" ташхиси билан "Д" назоратда туриши маълум бўлди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан, жавобгар Х.Ф.ни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асослар мавжудлигини инобатга олиб, бир нафар фарзандига нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин, бу тоифадаги низоларнинг судлар томонидан тўғри ҳал этилиши ота-оналар ва болалар ҳуқуқларининг муҳофазасини, ота-оналарнинг болаларини тарбиялашдаги масъулияти оширилишини таъминлашга имкониёт туғдиради.

Акрам ҲАМРАЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Навбаҳор туманлараро суди раиси.

ЖУРНАЛИСТЛАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

1-саҳифада

Журналистлар дастлаб Навоий шаҳри ҳоҳими Дилмурод Эргашев ҳамроҳлигида "TIANCHENG STONE" МЧЖда гранит тошларни қайта ишлаш лойиҳаси билан танишдилар.

— Корхонамиз Хитой капитали иштирокида ташкил этилган бўлиб, гранит тошларни қайта ишлайди ва бугунги кунда ишчиларимиз сони 600 нафарни ташкил этади, — дейди унинг менежери Фуломжон Аминжонов. — Бу ерда гранит плиталарнинг "GRANIT PLITA BLACK DIAMOND POLIROVKA", "GRANIT PLITA KO'KSAROY POLIROVKA", "GRANIT PLITA BLACK DIAMOND OGNEOBRAVOTKA" каби турлари ишлаб чиқарилади. Тошларни тайёр ҳолига келтиргунча 4 та цехдан ўтади. Жумладан, тошни бўлиш, бўяш, ишлов бериш жараёни ва тошни размерга олиб бўлиш жараёниларида тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади. Тошлар Хатирчи тумани Кўксарой массивидаги гранит қарьеридан олиб келинади. Ишлаб чиқарилган гранит маҳсулотлари Россия, Қирғизистон, Қозғистон ҳамда Тожикистонга экспорт қилинади.

Пресс-тур иштирокчиларининг навбатдаги манзили "Zarafshon Golden Group" компанияси томонидан барпо этилган Газобетон ва темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси бўлди.

— Корхонамиз 2019 йилдан буён фаолият юритмоқда, — дейди унинг директори Зайниддин Раззоқов. — Корхона иш фаолиятини бошлаган вақтида ишчи-ҳодимлар сони 55 нафарни ташкил қиларди, ҳозирги кунда иш ҳажми ортиб ишчи-ҳодимларимиз сони 320 нафарга етган. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган технологиялар Хитой ва Испаниядан келтирилган. Ишлаб чиқариш ҳажми 70 турдан зиёд маҳсулот бўлиб, улар Қозғистон ва Қирғизистон давлатларига экспорт қилинади.

Журналистлар блок гиштни тайёрлаш жараёни билан ҳам яқиндан танишдилар. Пишган гиштининг 1 м³га нисбатан блок гишт 4,5 баробар енгил келади ва ўзида иссиқ со-

БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШДИ



вуқни бир хилда ушлаб туради.

Корхонанинг ўзида қурилиш лабораторияси ҳам мавжуд, унда 6 нафар ходим ишлайди, — дейди лаборатория муҳандиси Эркин Бобомуродов. — Лабораторияда кимёвий ва механик таҳлиллар ўтказилади. Ҳар бир маҳсулотимизнинг сифат даражаси лабораторияда аниқланиб, кейин сотувга чиқаришга рухсат берилади.

Тадбир иштирокчилари шаҳардаги "Навоий ишонч гиламлари" МЧЖ фаолияти билан ҳам танишишди.

Ишлаб чиқариш корхонамиз 3 сменада иш олиб боради ва бир кунлик иш ҳажми ўртача 1198 кв/метрга тенг бўлиб, бир ойда ўртача 300 минг

кв/метр гилам ишлаб чиқарилади, — дейди "Навоий ишонч гиламлари" МЧЖ раҳбари таъсисчиси Шавкат Холназаров. — Гиламни қотириб турадиган ипни Бангладеш давлатидан импорт қиламиз, бу маҳсулот асосан денгиз ўтларидан тайёрланади. Рангли иплар эса заводимизнинг ўзида ишлаб чиқарилади. Гиламга қўшимча клей маҳсулоти ҳам ўзимизда тайёрланмоқда. Бир кунда 5 тонна клей ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотларимиз республикамиз бўйлаб сотувга чиқади ҳамда Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон давлатларига экспорт қилиш йўлга қийилган.

Журналистлар тадбир давомида

"Xovandamir Holding" МЧЖга қарашли "Муҳташам" мебеллар корхонасида ҳам бўлишди.

— Корхонамиз 2016 йилда 3 киши билан ўз фаолиятини бошлаган, — дейди корхона раҳбари Хусниддин Гаффаров. — Ҳозирги кунга келиб ишчиларимиз сони 85 нафарни ташкил этади. Корхонамизда айни кунда 50 турдаги эшик ромлар ва 80 турдан ошқ мебеллар ишлаб чиқарилмоқда. Мебель ишлаб чиқариш технологияси Германия ва Хитой давлатларида келтирилган. Ёғочни Россиядан оламиз. Тайёр маҳсулотларимиз ички бозор савдосига чиқарилмоқда.

Пресс-тур сўнггида журналистлар учун матбуот анжумани ташкил қилинди.

Анжумани Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вистоят бўлими раиси Отабек Аслонов очиб, пресс-турдан олинган таассуротлар юзасидан маълумот берди.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсатини қўллаб-қувватлаш, оммавий ахборот воситалари билан доимий ҳамкорликни олиб бориш ва корхоналар фаолиятининг очиқлиги ҳамда шفافолигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлашдаги саъй-ҳаракатлар, унда эришилган натижалар орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш мақсадли вазифалардан бири ҳисобланади, — дейди тадбирда сўз олган Навоий шаҳар ҳоҳими Дилмурод Эргашев. — Шаҳримизда барпо этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилиб, халқимизнинг фаровон яшаш-ларига туртки бўлмоқда.

Матбуот анжуманида шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Н. Каримов, Иссиқлик манбаи ДУК шаҳар филиали бош муҳандиси Б. Сувановлар куз-қиш мавсуми олдидан олиб борилган ишлар ҳамда келгуси режалар юзасидан маълумотларини беришди.

Дилафруз ХАЛИЛОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ИШ ТОПИШДА КЎМАКЛАШАЁТГАН ПЛАТФОРМАЛАР

66 Юртимизда бандлик масаласи доимо энг муҳим масалалардан бўлган. "Ўзбекистонда иш топиш мумкинми, иш топиш учун нима қилиш керак" деган табиий саволлар бўлган ва бўлмоқда. Бугунги кунда эса уйда ўтириб ҳам иш топиш имконияти пайдо бўлди. Ҳозир Ўзбекистонда иш топишда кўмаклашаётган бир қанча платформалар мавжуд.

Мен шахсан ўзим шу платформаларнинг бири бўлган www.ish.mehnat.uz сайтидан иш тоганимни айтиб, сиз азизларга шу мавзуда қисқача маълумот тақдим қилмоқчиман.

Биринчидан, республикадаги барча вакансияларни билиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг миллий вакансиялар базаси www.ish.mehnat.uz сайтига кириб иш топишингиз мумкин. Ушбу сайтда ўзингиз ҳақингизда маълумот ёзиб қолдирсангиз, сизни мутахассисингиз керак бўлиб қолса сизга иш берувчилар ўзлари чиқаришлари ҳам мумкин. Сабаби ушбу портал нафақат иш изловчилар учун балки иш берувчилар учун ҳам яратилган.

Иккинчидан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг очиқ маълумотлари асосида республика миқёсида мавжуд бўлш иш ўринлари ҳақи-



да маълумот берувчи телеграм боти бўлиб, ушбу бот орқали мамлакат миқёсида турли соҳалар бўйича реал вақт режимида янгилиниб турувчи бўш иш ўринлари бўйича маълумотлар олишингиз мумкин. Бундан ташқари, ушбу платформа (@eduvakantbot) орқали педагоглар ҳам ўзлари учун бўш иш ўринлари топишлари мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистонда ноғиронлиги бўлган шахсларни очиқ меҳнат бозорига муносиб иш би-

лан таъминлаш учун яратилган бепул веб-портал бўлиб, уни www.ishplus.uz деб изланг. Сайтининг Telegram ва Facebook ижтимоий тармоғида ҳам расмий саҳифаси бўлиб, плай маркетдан сайт учун яратилган иловани ҳам юклаб олишингиз мумкин. Барчасига сайт орқали ҳавола олишни тавсия қиламан. Ундан ташқари, бу порталда иш изловчи ноғиронлигига қараб иш танлаш мумкин.

Тўртинчидан, иш топиш учун энг оммабоп ва қулай платформа бўлган www.TOPish.uz сайтида ишчи мутахассислар ўзи ёқтирган ишни, иш берувчилар эса ишга чанқоқ, масъулиятли ва тиришқоқ кадрларни топиш имконияти яратиб берилади. Сайтининг ўзига хос хусусияти шундаки, сиз ўз резюме-ингизни ёзиб иш ўринларингиз ҳақидаги эълоини нафақат осон ва ноёб услублар бўйича, балки геолокация функцияси билан ҳам фойдаланган ҳолда жойлашингиз мумкин. Ҳаммаси бир сайтда мавжуд!

Шундай қилиб бу каби тармоқлар ватандошларимизнинг оғирини енгил қилишда самарали хизмат қилмоқда. Албатта, тепада зикр этилган тармоқлар ҳаммаси эмас. Маълум бир ҳудуд бўйича иш излаш имконияти бўлган платформалар ҳам мавжуд. Биз эса шуниси билан қифояландик.

Шоҳжаҳон ОМОНОВ,
"ЎЗЖОКУ" 2 босқич талабаси.

ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ



1-саҳифада

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилоят бўлими ҳамкорлигида тиббиёт ходимлари кунги муносабати билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали ҳамда Кармана туман тиббиёт бирлашмаларидаги ислохотлар билан журналистларни яқиндан таништириш

мақсадида пресс-тур бўлиб ўтди.

Пресс-тур иштирокчилари дастлаб Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалининг янги биносидида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан танишдилар.

Яқинда қад ростлаган замонавий РШТЭИМ Навоий филиали бугунги кунда 200 ўринга мўлжалланган шошилинч ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган шифохона ҳисобланади, — деди филиал директори Баҳром Жалолов. — Марказимиз биноси 4 қаватдан иборат бўлиб, ундаги асосий бўлимлар — кардиология, жарроҳлик, терапия, хирургия, травматология, нейрохирургия, гинекология, реанимация ҳамда 6 та амалиёт хоналари, қабул диагностика бўлимларидан иборат. Марказда юқори технологик амалиётлар ўтказишга мўлжалланган ЭОП, МСКТ, лапараскоп, артроскоп, лаборатория ва телемедицина жиҳозлари, шунингдек, замонавий амалиёт хоналари мавжуд.

Жорий йил давомида РШТЭИМ Навоий филиали невролог, қон-томир жарроҳлари, уролог ва бошқа шифокорлари иштирокида доимий диализга муҳтож беморга буйрак трансплантацияси ўтказилди. Филиалнинг ўзида ушбу ташхисдаги 3 та беморга амалиёт бажарилди. Ҳозирда беморлар ва донорларнинг аҳоли қониқарли. Улар доимий шифокорларимиз назоратида ва филиалда барча лаборатория таҳлиллари ҳамда дори дармонлар билан бепул таъминланмоқда.

Журналистлар Кармана тумани тиббиёт бирлашмаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Туман тиббиёт бирлашмасида 211 нафар олий маълумотли врачлар бўлиб, уларнинг 53 нафари олий тоифали, 57 нафари 1-тоифали, 27 нафари 2-тоифали ва 1 нафари тиббиёт фанлари номзоди ҳисобланади, — дейди Кармана туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Исомиддин Надилов. — Ўрта тиб-

биёт ходимларимиз сони 1146 нафарни ташкил қилади.

Бугунги кунда туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфида 6 та оилавий поликлиника, 10 та оилавий шифокорлик пункти, шифокорлар учун хизмат уй-жойи сифатида ташкил этилган тиббий муассасаларда 65 нафар врач, 215 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, ҳозирда Янги Ўзбекистон массивида ҳам янги 42-сонли оилавий поликлиникани ишга туширишга тайёргарлик кўрилмақда.

Кўп функцияли рақамли рентген апаратимиз янги келтириб ўрнатилди, — деди туман тиббиёт бирлашмаси рентгенолог врач Ибройим Хошимов. — Рентген натижаларини олиш учун олдинлари соатлаб кутиларди, бугунги кунда эса, 8-10 дақиқада натижани олиш имкони мавжуд.

Тадбир қатнашчилари туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида аҳоли учун яратилган соғлом турмуш тарзини шакллантиришга мўлжалланган шароитлар билан ҳам яқиндан танишишди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 43 та маҳалла аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўриқларни ўтказишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассислари ва туман тиббиёт бирлашмаси врач мутахассислари ҳамкорлигида 46 288 нафар аҳоли хонадонларида патронаж хизматлари олиб борилди. 132 602 нафар фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан 14 106 нафар фуқарога амбулатор тавсиялар берилиб, 423 нафар фуқарога туман ва 31 нафар фуқароларга эса вилоят шифохоналарида стационар даволанишга йўлланмалар берилди.

Тадбир давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислардан батафсил жавоблар олишди.

Дилафруз ХАЛИЛОВА.

КОНЧИЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ИЖТИМОИЙ ИМКОНияТЛАР



1-саҳифада

“НКМК жамғармаси” ДМга кўп минг сонли “НКМК” АЖ, “Навоийуран” ДК ва Жамғарма ишчи-хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан хизмат кўрсатишни янада юксалтириш вазифаси қўйилган, — деди матбуот анжуманида муассаса бош директори Дилшод Очилов. — Бундан ташқари, давлат муассасаси фаолиятининг 30 фоиздан ортиқ қисмини ишлаб чиқариш ташкил этади. Бугунги кунда “НКМК жамғармаси” ДМ ва унинг жойлардаги 5 та ҳудудий бошқармаларида 8 минг нафардан ортиқ ходимлар меҳнат қилмоқда. Тиббий хизмат ва соғломлаштириш Жамғарманинг асосий фаолият йўналиши ҳисобланади. Жамғарма тасарруфидаги соғлиқни сақлаш тизимида 5 та тиббий санитария қисмлари мавжуд бўлиб, уларда ҳар йили 25 минг нафардан ортиқ ишчи-ҳодимларга стационар тарзда даволаш, поликлиникалар орқали келиб тушган 1 миллиондан ортиқ мурожаатларга асосан тегишли тартибда тиббий хизматлар кўрсатилади.

Шунингдек, анжуманда давлат муассасаси масъуллари Сухроб Алтинов, Аслиддин Ибрагимов, жамғарма касаба уюшмалари кўмитаси раиси Мўмина Нуримоваларнинг фаолият йўналишлари бўйича маърузалари тингланди.

Пресс-тур иштирокчилари “Фарҳод” маданият саройи фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Маданият маскани 1972 йилдан иш фаолиятини бошлаган, бу даврда 6-7 та жамоа фаолият юритган, — дейди сарой директори ўринбосари, “Нихол” давлат мукофоти совриндори Шерзод Давронов. — Маданият саройимизда бугунги кунда 40 га яқин жамоалар бўлиб, уларда 75 та гуруҳ ижод қилиб келади. Маданият саройининг зали 680 ўринга эга бўлиб, бу ерда катта-катта концертлар намоиш этилиб келинмоқда. “Ширин” миллий рақс ансамблида 140 нафар қизқувчан ёшларимиз 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлар қатнашишади. Рақс тугарагига қабул жараёнлари август, сентябрь ойларида бошланади. Тасвирий санъат тугарагига қабул жа-

раёнлари белгиланмаган. Қизиқиши бўлган болажонларимиз келиб, илк бор мавзулар асосида ритмик чизиқларда уйнаб чиқишни ўрганишади.

Журналистларнинг навбатдаги манзили “Сўғдиёна” жисмоний тарбия ва спорт мажмуаси бўлиб, унда ўсмир ёшларнинг келажақда соғлом ўсишлариغا хизмат қилаётган спорт тугараклари билан танишдилар.

— Спорт мажмуамизда 17 та спорт тугараклари бўлиб, улардан 8 таси болалар ва ўсмирлар спорт мактабида, қолганлари соғломлаштириш гуруҳларидаги ишчи-ҳодимлар учун мўлжалланган, — дейди спорт мажмуаси директори Соҳиба Қиличова. — Мактаб ёшидаги болалар учун “Юнорум кураши”, “Қиличбозлик”, “Бадиий гимнастика”, “Бокс”, “Миллий кураш”, “Сузиш” ҳамда “Синхрон сузиш” тугараклари мавжуд. Ишчи-ҳодимларга “Стоп теннис”, “Шахмат”, “Шашка”, “Пауэрлифтинг”, “Аэробика”, “Сузиш” гуруҳлари йўлга қўйилган.

Тадбир давомида журналистлар “Металлург” санаторий-профилакторийсида ҳам бўлиб, бу ердаги со-



ломлаштириш жараёнлари билан яқиндан танишишди.

— Санаторий-профилакториямиз 200 ўринга мўлжалланган, бунда НКМКнинг ишчи-ҳодимлари, шунингдек, шаҳар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатилади, — дейди саломатлик маскани шифокори Фахриддин Ўроқов. — Бугунги кунда даволаниш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд, даволаш эрталаб соат 08:00 дан кечки 19:00 гача давом этади. Тўрт нафар олий тоифали врачлар, бош врачимиз ҳамда 30 нафар ҳамширалар дам олувчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Сув ости ванналари, белни тортиш, ички органларни тозалаш апаратлари, балчиқ билан даволаш ва парасфинда даволаш хоналари ҳамда бассейн, сауна даволанувчилар хизматиди. Иккинчи қаватда қўл массажи, электр билан ишлайдиган 20 турдан ортиқ апаратларимиз мавжуд.

Пресс-турда журналистлар ўзларини қизиқтирган мавзуларда тўлақонли маълумотларга эга бўлишди.

Дилафруз ХАЛИЛОВА.



АЁЛЛАР НИМА САБАБДАН ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРИШАДИ?

Аёлларга қадим замонлардаёқ оилани тебратиш ва фарзандларига меҳрибон она бўлиш, рўзгор юритиш вазифалари юкланган. Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятлар бугунги кунда мавжуд эмас деб айтолмаймиз. Шу ўринда бир савол туғилади. Аёлларнинг жиноятга қўл уриш сабаблари нимада?



Лекин унинг олдини олиш мумкин. Жиноятнинг олдини олиш учун унинг рўй беришига олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитларни тугатиш лозим. Чунки, ойнанинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғудир. Инсон яхши яшашни, яхши кунни орзу қилади.

Дарҳақиқат, аёл киши оилага катта эътибор бериши керак, айниқса, болалар тарбиясига. Қизларни тарбиялашда уларга — аёлларга хос бўлган мулоимлик, нафосат, ифбат, яқинлари ҳақида қайғуриш каби фазилатлар синдирилиши лозим. Аёлларимиз ҳаёт кўрки, умр қувончи, оилавий бахтнинг калитидир. Шундай экан, ҳар бир аёл ҳаёт ва оилада ўз ўрнини билиши, аёл деб аталган муқаддас номга доғ туширмаслиги лозим. Зеро, у энг аввало она, ҳаёт давомчиси.

Лазиз АБДУЛЛАЕВ,
4-сон ЖИЭК тезкор ходими,
майор.

Мамлакатимизда халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, ўсиб келаётган ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, буюк тарих ва меросимизни англаб, замон билан ҳамнафас яшайдиган баркамол авлод этиб тарбиялашда маҳалланинг ўрни гоят муҳимдир.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

Маҳалла — жамоатчи-тарбиячи сифатида ушбу педагогик жараёнга хос барча сифатларга эга бўлган масканлардан бири. У ёшларда Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббат, оиласи ва яқинларига меҳр-оқибат, танлаган йўли ҳамда касбига содиқлик руҳини тарбиялашда муҳим ўрин тутаети.



Бугун юртдошларимизнинг ҳаётий тажрибаси, кенг жамоатчилигининг сайёҳ-ҳаракатлари билан ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятларни эъзозлаш, ватанига бўлган содиқ фарзандларни камол топишда айниқса, оиланинг ҳамда маҳалланинг ўрни бекиёсдир.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаган ёшлар бизнинг эртаимиз ва келажагимиз. "Бир бола учун етти маҳалла ота-она" деб, қадимдан бежиз айтилмаган. Улар билан ишлашни тизимли ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жавоҳир ХАМРОҚУЛОВ,
4-сон ЖИЭК тезкор ходими, лейтенант.

Маъсумда савдо дўконларида сотилаётган, газ билан ишлайдиган ҳар хил турдаги газ ускуналаридан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур.

ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШ ХАВФИ ОРТГАНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Бироқ, ушбу газ ускунаси бошқа давлатда ишлаб чиқилгани сабабли, уни ўрнатиш ва фойдаланишга доир техник паспорт ўзбек ёки рус тилларига таржима қилинмаган. Бунинг оқибатида, ундан фойдаланишдаги хавфсизлик қоидалари билан танишиш имкони бўлмайди. Мазкур газ ускуналари ўзбошимчилик билан, мутахассис кўрсатмасисиз "Қурилиш меъёрлари ва қоидалари" талабларини бузган ҳолатда ўрнатилмоқда. Натижада инсонларнинг ис газидан заҳарланиб вафот этиш ҳолатлари учрамоқда.



Газдан заҳарланганда биринчи ёрдам қандай кўрсатилади?

Барча ҳолатдаги оғир заҳарланишларда зудлик билан тез тиббий ёрдам чақириш зарур. Шифокор етиб келгунга қадар қуйдагиларни амалга ошириш керак:

жабрланувчини зудлик билан газланган ҳудуддан тоза ҳавога олиб чиқиш;

нафас олишига ҳалақит берувчи нарсаларни бар-тараф этиш (тугмаларни ечиб, ёқани очиш, камарни бўшатиш ва бошқалар);

жабрланувчининг ухлаб қолмаслигини назорат қилиш, уни юргизиш таққиланади;

жабрланувчини нафас олмаётган бўлса, унга тоза ҳавода ёки ҳавоси яхши айланадиган хонада сунъий нафас олдиришни бошлаш лозим;

нашатири спиртини ҳидлатиш зарур.

Ҳушига келганда йиқилиб, жароҳатланмаслиги учун чоралар кўриш каби қоидаларга амал қилинг!

Шахбоз РАҲМАТОВ,
"Навоийазот" АЖ ОЕХТТБЗ П ва НБ
инспектори, катта лейтенант.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ ЧИҚДИ

Навоий вилоят ИИБ НКМК ИИБ ва вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамкорлигида иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш бўйича тезкор тадбир ўтказилди. Унда, 2023 йил 12 июль кунин Навоий ви-



лоят Педиатрия тиббий ижтимоий экспертиза комиссияси раиси А. К. ва шифокор А. Ўлар фуқаро А. Т.дан фарзандига ноиронлиги тўғрисида тиббий ҳулоса бериши эъзизга ноқонуний равишда 750 минг сўм миқдордаги пулни талаб қилиб, олаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўқтам БЕРДИҚУЛОВ,
Навоий вилоят ИИБ НКМК
ИИБ ТКХ тезкор вакили, лейтенант.

СОЛИҚЧИ ПОРА ОЛАЁТГАНДА ҚЎЛГА ТУШДИ!

Жорий йилнинг 6 ноябрь кунин Навоий вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ҳамкорликда ўтказилган фаол тадбирда, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги "Солиқ-сервис" ДУК Нурота тумани бўлими ходими "Қ. А." туман ҳудудида жойлашган МЧЖлардан бирининг солиқ идораларида мавжуд 20 млн. сўмлик қарздорликларини 10 млн. сўмга камайтириб бериш ҳамда МЧЖ банк ҳисоб рақамини Навоий шаҳрига кўчириб бериш эъзизга МЧЖ иш бошқарувчисидан 300 АҚШ доллари ва 600 минг сўм пулни ноқонуний равишда олаётганда, жиноят



устида қўлга олинган.

Ҳозирда ҳолат юзасидан "Қ. А."га нисбатан ИЖКК Департаменти Навоий вилоят бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25, 168-моддаси 3-қисми "в" банди ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ИИБ ЖКБ хабарларидан.

ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАСИН...

Халқимиз, "Ўт балосидан сақласин", деб бежиз айтмаган. Чунки, тилсиз ёв саналмиш ёнғин, чек-чегара билмайди. Унинг оқибатида мисқоллаб йиғилган мол-мулклар ёниб қўлга айланиши ва шу билан бирга қанчадан қанча инсонлар тан жароҳат олиши ёки ҳалок бўлиши мумкин.

Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси "Навоийазот" АЖ объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими ҳарбий хизматчилари томонидан аҳоли яшаш хонадонларида куз-қиш маъсумида фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича тартибот ва тушунириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, носоз электр жиҳозларидан, қўлбо-

ла иситиш газ ва электр печларидан фойдаланмаслик, ёш болаларни назоратсиз қолдирмаслик, электр тармоғига юқори қувватли бир нечта электр асбобини улаш, тармоққа оғирлик қилиши ва ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкинлиги бўйича тушуночалар берилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳушёрлик тинч ва осойишта ҳаётимизнинг калитидир. Шундай экан, келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғинларга қарши кураш ҳамда унинг олдини олиш ҳар биримизнинг доимий шиоримизга айланиши зарур.

Ҳамид САЛИМОВ,
"Навоийазот" АЖ ОЕХТТБЗ П ва НБ
инспектори, капитан.

Ўзбекистон ИИВнинг 2023 йил 30 октябрдаги фармойишига асосан, вилоятда хизмат олиб бораётган шаҳар ва туман ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлари ва хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспекторларининг касбий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида, жорий йилнинг 4 ноябридан 10 ноябрга қадар Марказий ҳарбий округнинг Навоий шаҳридаги 523-сафарбарлик резерви баталонида бир ҳафталик ўқув-амалий курслари бўлиб ўтди.

ИНСПЕКТОРЛАРНИНГ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИ ОШИРИЛДИ



Ўқув машғулотида барча шаҳар ва туманларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспекторлар ҳамда инспектор-психологлар жалб қилинди. Ўқув курсида хотин-қизлар ва вояга етмаганлар билан бевосита боғлиқ бўлган, жамиятда тез-тез гувоҳи бўлинаётган муаммолар юзасидан турли соҳа вакиллари билан иборат мутахассислар томонидан таҳлилий ва очиқ мунозаралар ташкил этилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ва вазирликлар томонидан қабул қилинган қарор, фармон ва буйруқлар бўйича ишлаш ва уларнинг мазмун-моҳияти, механизми юзасидан тушунчалар берилди. Инспектор-психологларга вояга етмаганлар билан мулоқот қилиш психологияси, турли вазиятларда ўзини бошқариш, стресс ва агрессив ҳолатларни енгиллаштириш, шунингдек, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш механизмлари бўйича амалий машғулотлар ташкил этилди.

Ўқув йиғинида ходимларни хизмат вазифаларига виждонан ёндашиши мақсадида, уларнинг касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича алоҳида "Ўқув дастури" ишлаб чиқилган бўлиб, ходимлар вояга етмаган ва ёшлар ҳамда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича керакли билим ва тажрибаларга эга бўлдилар.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари ходимларининг муомала психологияси ва мулоқот маданияти, ностандарт вазиятларда ўзини ўзи бошқариш, инспектор-психологларнинг ҳуқуқбузарлик содир қилган вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммолар вазиятларда ўз-ўзини бошқариш қоидалари ва юзага келган турли хил стресс вазиятларда ўз-ўзини бошқаришнинг психологик омиллари, фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш усуллари юзасидан ҳам маърузалар қилинди. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролларни қўллаш тартиблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари саф Низоми асосида саф тайёргарлиги бўйича амалий машғулотлари ташкил этилди. Ўқув йиғини якунида, 48 нафар ходимлардан ўтилган мавзулар юзасидан соҳавий хизматлар раҳбарлари томонидан синов имтиҳонлари ўтказилди.

Навоий вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари Ш. Садиқов ва ЖХХ ХПБ бошлиғи А. Рафиевлар томонидан сертификатлар тантанали равишда топширилди. Ўтказилган ўқув йиғини ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини янада оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятли эканлиги, ўқув йиғинида олган билимларини амалиётда қўллаши лозимлиги таъкидланиб, битирувчиларга бу борада ишонч билдирилди.

Махлиё МИРЗАЕВА,
Навоий вилоят ИИБ ЖХХ ХПБ катта инспектори, подполковник.

НУРОНИЙЛАР ШАХМАТ СТОЛИДА КҮЧ СИНАШИШДИ

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Навоий вилоят бўлими ташаббуси билан, Хатирчи туман ҳокимлиги, ЎзЛиДеП Навоий вилоят бўлими Фахрийлар кенгаши ҳамда Ўзбекистон спорт ташкилотлари фахрийлар Кенгаши Навоий вилоят бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Хатирчи тумани 1-сектор ҳудуди маҳаллаларидаги нуронийлар ва фахрийлар ўртасида, туманининг 38-сонли мактабда шахмат мусобақаси ўтказилди. Мусобақада 60 ёшдан юқори бўлган шахматсеварлар иштирок этишди.

Қизгин ва муросасиз кечган беллашувда I-ўринни "Ифром Карвон" маҳалласида яшовчи, 64 ёшли Эрмамет Рўзиев, II-ўринни "Пахтакор" маҳалласида яшовчи Шавкат Абдурахмонов, III-ўринни "Хужақулбод" маҳалласида яшовчи Абдуҳакам Ҳамдамов эгаллашди.



"Энг ёши улуг шахматчи" номинацияси 75 ёшни қаршилаган Аҳмад бобо Раҳматовга топширилди.

Мусобақа ғолиблари ва фаол иштирокчилари Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Навоий вилоят бўлими бошқаруви ва ЎзЛиДеП Навоий вилоят бўлими Фахрийлар кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланади.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ахборот хизмати.



СТАТИСТИКА

ВИЛОЯТНИНГ ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ 15 ФОИЗГА ЎСДИ

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Навоий вилоятининг жами ташқи савдо айланмаси 1 029,8 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 115,7 фоизни ташкил этди. Жаҳоннинг 66 та мамлакати билан ташқи савдо алоқалари амалга оширилди.

Ташқи савдо айланмаларида Франция (29,8 фоиз), Россия (16,2 фоиз), Хитой (14,7 фоиз), Қозғоғистон (5,1 фоиз), Ҳиндистон (4,7 фоиз), ва Туркия (4,5 фоиз) давлатларининг улушлари юқори бўлди. МДҲ давлатларининг улуши 23,6 фоизга тўғри келди.

Худудлар кесимида вилоят бўйича ташқи



савдода энг катта улуш Навоий шаҳри (63 фоиз), Кармана (24,6 фоиз), Қизилтепа (4,8 фоиз) ва Навбахор (3,3 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ойбек ЭШТИЛАНОВ,
Вилоят статистика бошқармаси бўлими бошлиғи.

НУРОТА ТУМАН ЧАКАНА ВА УЛГҲРЖИ САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

Жорий йилнинг 9 ойида Нурота туманида 325,1 млрд. сўмлик чакана савдо товар айланмаси амалга оширилиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,3 фоизни ташкил этди. Йирик корхоналар бўйича бу рақам 6,3 млрд. сўмга тенг бўлди ва туман чакана савдосидаги улуши 1,9 фоизга тўғри келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларининг чакана савдо ҳажми 318,8 млрд. сўмга баҳоланди ва ўтган йилга нисбатан 106,5 фоизни ташкил этди. Туманда шу даврда 25,7 млрд. сўм улгўржи савдо товар айланмаси амалга оширилган бўлиб, ўтган йилда 109,5 фоизга тенг бўлди.

Шавкат ШУКУРОВ,
Нурота туман статистика бўлими бошлиғи.

ВИЛОЯТДА ҚАНЧА ЎРТА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ИШЛАЯПТИ?

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Навоий вилоятида фаолият юритаётган ўрта тиббиёт ходимлари сони 14 825 нафарни ташкил этган. Шундан эркаклар сони 892 нафар, аёллар сони 13 933 нафарга тўғри келган.

Вилоятда ўрта тиббиёт ходимлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2020 йилда – 14 276, 2021 йилда – 14 438 ва 2022 йилда – 14 825 кишига тенг бўлган.



Абдулла ҲАМРАЕВ,
Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими бош мутахассиси.

САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ РАҚАМЛАРДА

Жорий йилнинг тўққиз ойида Навоий вилоятида 7 498,5 млрд. сўмлик чакана савдо товар айланмаси амалга оширилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,8 фоизни ташкил этди. Йирик корхоналар бўйича бу кўрсаткич 526,8 млрд. сўмни ташкил этиб, вилоят чакана савдосидаги улуши 7 фоизга тўғри келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо ҳажми 6 971,7

млрд. сўм миқдорида баҳоланди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 фоизни ташкил этди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгўржи савдо товар айланмаси ҳажми 1 697,3 млрд. сўм миқдорида баҳоланди, уларнинг вилоят улгўржи савдо айланмаси ҳажмидаги улуши 79,1 фоизни ташкил қилди.

Шухрат АЛИҚУЛОВ,
Навоий вилоят статистика бошқармаси бош мутахассиси.

КЎМИР ЕТКАЗИШДА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА



Навоий транспорт прокуратураси томонидан назорат ҳудудида кўмир маҳсулотлари ўғирликларининг олдини олиш, айбдорларга нисбатан кескин чоралар кўриш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш борасида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, ИИБ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизлиқни таъминлаш департаменти, ҳудудий ички ишлар органлари ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда доимий тадбирларни ўтказиш учун тезкор гуруҳлар тузилиб, фаолияти мувофиқлаштирилиб боришмоқда.

Шунингдек, юкларни ўғирлаш ва талон-торож этиш ҳолатлари кузатилаётган ҳудудларни аниқлаш, манзилли рўйхатини шакллантириш ва келгусида уларни бартараф этиш, кўмир ортилган вагонларни белгиланган бекатларга етиб боришига қадар ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси раҳбар ва ходимларининг кўриқлашга ҳамда юк бутлигига жавобгарлигини янада ошириш чораларини устидан назорат ўрнатилган.

Навоий вилояти бўйича 2023-2024 йилги кузги даври учун вилоят аҳолиси ва бюджет ташкилотларига кўмир маҳсулотларини ташиш, гамлаш ва тарқатиш бўйича жорий йилнинг 9 ноябрь ҳолатида 1 апрелдан бошлаб жами режа бўйича 45 472 тонна кўмир ташилиши керак бўлган ҳолда, амалда 39 150 тонна ёки 86,1 фоизи ташилган. Жумладан, режа бўйича аҳолига 15 900 тонна кўмир белгиланган бўлиб, амалда эса 9 578 тонна ёки 60,2 фоизга, бюджет ташкилотларига режа бўйича 29 572 тонна белгиланган бўлиб, амалда 29 572 тонна етказиб берилган ёки топшириқ 100 фоизга удаланган.

Баҳром НАЗАРОВ,
Навоий Транспорт прокурори,
адлия маслаҳатчиси.



САВОЛ ЙЎЛЛАНГ ЖАВОБ БЕРАМИЗ!



Таъқиқдаги автотранспорт воситаларини ҳаёда қилиш мумкинми?



Йўқ, таъқиқда турган автотранспорт воситаларини олди-сотди ёки ҳаёда қилиш, айирбошлаш мумкин эмас.



Зарурат сабабли айни пайтда Бухоро шаҳрида эканлигини тасдиқлаш лозим бўлмоқда. Нотариусга мурожаат қилсам, бирор бир ҳужжат расмийлаштириши мумкинми?



Нотариус фуқаронинг илтимосига кўра, унинг нотариусга мурожаат қилган вақтда муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди. Бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун фуқаронинг ёзма аризаси олинади. Нотариус мурожаат қилган шахсга фуқаронинг муайян жойда эканлиги ҳолатини тасдиқловчи гувоҳнома беради.



Отанинг номида 11 сотих, 7 та хонали ҳоали бор, уйда 7 киши рўйхатда туради. Агар отам уйни меннинг номимга ўтказмоқчи бўлса, оддий ўтказиб берса бўладими ёки доимий рўйхатдаги 7 киши ҳам қилиши керакми?



Агар отангиз ҳаёда шартномасини расмийлаштирмоқчи бўлса, унда рўйхатда турувчиларнинг розилиги талаб этилмайди. Шунингдек, шуни ҳам тушунтирмоқчимиз, агар уй ота-онангизнинг никоҳ давомида орттирилган мулкдан иборат бўлса, унда онангизнинг ҳам рухсати талаб этилади.

Саволларга Кармана туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шоира Гулимова жавоб берди.



Мени гувоҳ сифатида тергов қилишмоқчи, аммо айтилган жойга боришимнинг имкони йўқ, шундай вазиятда нима қилишим керак?



ёки яшаш жойидаги вилоят, туман ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказиши мумкин.

Хулкар НОРОВА,

Навбаҳор тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсулти.



Аҳолини рўйхатга олишда иштирок этмаслик учун жавобгарлик мажбурияти?



Дунёнинг аксарият мамлакатларида умумий аҳолини рўйхатга олишда иштирок этиш мажбурийдир. Ҳар бир фуқаронинг аҳолини рўйхатга олишда иштирок этишига бўлган эҳтиёжнинг ягона аргументи инсоннинг ўзи ҳақида маълумотга муҳтож бўлган жамиятнинг бир қисми эканлигини англашидир. Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонунга кўра аҳолини рўйхатга олишда иштирок этиш инсон ва фуқаронинг ижтимоий бурчидир.

Қатор мамлакатларда, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Чехия республикасида бунинг учун қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жаримага тортилади. Туркияда аҳолини рўйхатга олиш кунли мамлакатнинг барча аҳолиси уйдан чиқиб кетиши тақиқланади, шунинг учун улар аҳолини рўйхатга олувчиларни кутишади. Боливия ҳукумати чегараларини ёпиб, шаҳарларда поездлар ҳаракати

ва жамоат транспорти ҳаракатини бекор қилади ва аҳолини уйдан чиқмасликка буйруқ беради.

Аргентина ва Чилида эса аҳолини рўйхатга олиш кунли барча кўнглочар жойлар, дўконлар, ресторанлар ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг эшиклари ёпилади.

Мамлакатимиз тарихида аҳолини рўйхатга олиш жараёнида иштирок этмаслик учун фақат бир марта, яъни 1939 йилда, рўйхатга олишдан бош торганлик учун жиноий жазо чоралари жорий этилган. Кейинчалик қарор бекор қилинган.

Мамлакатимизнинг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонунда рўйхатга олинувчилар ўзининг шахсига доир маълумотлари нима мақсадда йиғилаётганлигини, ушбу маълумотлардан ким ва қандай тарзда фойдаланишини билишлари, рўйхатга олувчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишини талаб қилиш, рад этилган тақдирда эса – рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб бермасликка, рўйхатга олиш варағининг шаклига биноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга. Шунинг билан бирга аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга монелик қилмаслиги шарт.

Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбирига иштирок этмаганлик учун жазо чораларини кўриш белгиланмаган.

Мадина ЮЛДАВЕШЕВА,

Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи.

ОБУНА – 2024

"MUQADDAS BURCH" газетасига

2024 йил учун

обуна давом этмоқда!

Газетанинг обуна баҳоси

207 000 сўм

"Микрокредитбанк"

Навоий вилоят филиали

МФО: 00198 СТИР: 303913664

х/р: 2020 8000 2006 1282 3001

Мурожаат учун тел.: 90: 732-75-07

MUQADDAS BURCH
ILTIMOIY-HUQUQIY
GAZETA

МУАССИС: "Matbuot taraqqiyot media"
масъулияти чекланган жамияти

**БОШ ҲАМКОРИМИЗ
НАВОЙ ВИЛОЯТ
АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ**

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Навоий вилоятидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси

**ДИРЕКТОР:
Исо РАХИМОВ**

**МУҲАРРИР:
Дилафруз ХАЛИЛОВА**

**МАСЪУЛ КОТИБ:
Лайло ОРЗИЕВА**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Навоий шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 4-уй
Тел.: 90: 732-75-07.
Электрон манзил:
muqaddasburch@mail.ru

Нашр индекси-4535. Буюртма
677 нусхада босилди.
Баҳоси қилишилган нархда.

Газета Навоий вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан
2016 йил 9 июнда 07-073 рақами билан рўйхатга олинган

Газета таҳририят компьютер марказида
нашрга тайёрланди ва Бухоро вилоят
босмаҳонасида чоп этилди.
БОСМАҲОНА МАНЗИЛИ:
Бухоро шаҳри, И. Мўминов кўчаси 27-уй.
Телефон: (0365) 223-25-38

Топширилди 10:00, 24.11.2023 й.
Чоп этиш вақти 10:45.